

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИДА
МАВЖУД БЎЛГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН
ҚИЛИНАДИ

Танлов жараёни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги «Кадрлар захирасини ташкиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 91-сонли буйруғида тасдиқланган тартиб-қоидалар асосида махсус тузилган комиссия томонидан 3 босқичда амалга оширилади.

1-босқич: Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” (<https://vacancy.argos.uz>)да рўйхатдан ўтишлари, Молия вазирлигида мавжуд бўш лавозимлардан бирини танлаб сўралган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишлари зарур.

Номзодлардан ариза ва керакли ҳужжатларни қабул қилиш **2021 йил 7 сентябрдан 16 сентябргача** давом этади.

2-босқич: Биринчи босқичдан ўтган номзодлар билан тест синовлари ўтказилади. Номзодлар 2-босқич суҳбат жараёнига таклиф қилинишлари учун уларнинг тест натижалари **65 баллдан** кам бўлмаслиги керак.

3-босқич: Иккинчи босқичдан ўтган номзодлар билан юқоридаги талабларга жавоб беришларини текшириш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида суҳбат ўтказилади. Суҳбат натижаси 100 балл тизими бўйича баҳоланади (10 та мезон бўйича ҳар бири 1-10 баллдан, энг юқори 10, энг паст 1 балл) бунда комиссиянинг ҳар бир аъзоси суҳбат натижаси бўйича номзодларга балл қўйиб чиқади.

Комиссия томонидан ҳар бир номзод бўйича баллар ҳисоблаб чиқилади ва танловнинг якуний натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-саҳифасида (www.mf.uz) ҳамда ҳар бир номзоднинг шахсий электрон почтаси ва/ёки телефон орқали эълон қилинади.

Богланиш учун (+99871) 239-46-70 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Танловда иштирок этаётган номзод бир вақтнинг ўзида учта бўш лавозим учун ариза билан мурожаат этиш имкониятига эга.

Танловда иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш **фақат** номзодлар томонидан сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш вақти ўтгандан сўнг юборилган ариза ва ҳужжат эгалари танловда иштирок эта олмайди.

Ҳужжатларни қабул қилиш учун ҳавола - <https://vacancy.argos.uz>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ

I. Ғазначилик бошлиғи ўринбосари - Давлат харидлари департаменти директори

Талаблар:

- иқтисодиёт, молия, банк соҳаларида ёки шунга ўхшаш йўналишларда камида 7 йиллик иш тажрибага эга бўлиш;
- давлат харидларига оид қонунчиликни мукамал билиши;
- бюджет тизими бюджетлари, ғазначилик тизими бўйича зарур билимлар ва юқори малакага эгалиги;
- макроиқтисодиёт, иқтисодий назарияни билиш ва иқтисодий таҳлил қила олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- компьютер саводхонлиги бўйича - Microsoft Word, Excel ва Power Point, дастурларида профессионал даражада ишлай олиш;
- давлат харидлари тизими ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибасини мукамал билиши ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини баҳолай олиши;

Вазифалар:

- Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- Давлат харидлари соҳасида юқори даражада билимга эга бўлиш;
- Иқтисодий ислохотлар билан биргаликда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Давлат буюртмачилари билан биргаликда давлат харидлари соҳасини самарадорлигини ошириш, очиқлик ва шаффофлик, коррупцияга йўл қўймаслик принципларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- Давлат харидлари соҳасида таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботларга тушунтиришлар бериш ва уларни раҳбариятга киритиб бориш;
- Давлат харидлари соҳасидаги маҳаллий ва халқаро вазиятни ақс эттирувчи кўрсаткичлар билан ишлай олиш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- Давлат харидлари кўрсаткичлари, шу жумладан халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича ахборотларни тайёрлаш, халқаро молиявий ташкилотлар (жумладан, Жаҳон банки, Осиё таррақиёт банки, Европа тикланиш ва таррақиёт банки ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилиш;
- Департамент ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг самарали ва натижавий фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда жамоавий иш олиб бориш;
- Лавозимга мос бошқа талаблар.